

**Андижон туман Нохатак МФЙ Янги хаёт кучаларини 305,0 метр қисмини
асфатлаш ишларини бажариш учун**

№3 - сонли шартнома

Андижон тумани

«09» 07 2022 йил

Андижон туман хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан раҳбари Б. Раҳимов бир томондан «VODIY YOL TRANS QURILISH» кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар Х. Дадабаев иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Андижон туман хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси Нохатак МФЙ Янги хаёт кучаларини 305,0 м қисмини асфатлаш ишларини сифат даражасида бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи ишлар (хизматлар)ни ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, ишлар (хизматлар)ни тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи ишлар (хизматлар)ни амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари куйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;

- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган ишлар (хизматлар)ни амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1.Куйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 2 нусхада ишлар (хизматлар)ни тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунда ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси – 114 250 176 сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур объект бўйича тўлов инвестиция дастури ва қайси маблағлар ҳисобидан аниқланиб ва шу бюджет ҳисоб рақами очилгандан кейин, объектнинг ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорда бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:
-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи ишлар (хизматлар) даги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Ишлар (хизматлар) да камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан ишлар (хизматлар)ни бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорда Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан ишлар (хизматлар)ни тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

Андижон туман Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Андижон туман Куйган-ёр шаҳарчаси

Тел:

Х/р : 4017 2286 0032 0370 4520 4110 005

Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: **204 547 251**

ОКОН:

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Газначилик бўлини маси

Ягона газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк

ББХКМ МФО: 00014

Газначилик бўлини маси СТИРИ: 201122919


Рахбари



Б. Рахматов

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

Манзил:



Тел.

Х/р

Банк номи:

МФО :

ИНН

ОКОНХ

ОКЭД



Директор

(муҳр ва ёзиқ)

Ш. В. Агабеков

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА
№ TV14363034**

1. Лойиҳанинг тури

Пудрат шартномаси

2. Лойиҳанинг номи

**Андижон туман Нохатак МФЙ Янги хаёт кучаларини 305,0 метр
кисмини асфатлаш ишларини бажариш тўғрисида**

Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунларига мос равишда ишлаб чиқилган тузилган

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот

Андижон туман Ободонлаштириш бўлими томонидан

15.07.2022 йил

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

16.07.2022 йил

**Юридик хизмат кўрсатиш
маркази бош юрисконсульти**



М.Ҳ.Муйдинов